

“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятининг 2021 йил “11” январдаги
4-сон буйруғига 1- илова

“Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятининг номдор стипендиялари түғрисида НИЗОМ

1. “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятининг номдор стипендияси бу - Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети (кейинги ўринда ТДТУ), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти (кейинги ўринда - ТИҚҲММИ), шунингдек, Тошкент архитектура-қурилиш институтининг (кейинги ўринда - ТАҚИ) илмий-тадқиқот ишларига мойил, илмий-техник, техник ва ихтирочилик ижодиётидан, олимпиадаларда, танловларда, таълим муассасасининг ижтимоий ҳаётида фаол иштироки билан ўзларини кўрсатган, жамоат ишларида фаол иштирок этаётган талабаларига бериладиган стипендиядир.

2. Номдор стипендия олий ўкув юртлари талабаларини ижтимоий қўллаб-куватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлардан бири бўлиб, гидроэнергетика иншоотларини қуриш ва ишлатишда университет ва институтларнинг энг билимдон, техник ижод ва ихтирочиликка мойил бўлган талабаларини жалб қилишга қаратилган.

3. Стипендияни тўлаб бериш ҳар йили 1 сентябрдан бошлаб бир йил муддатга амалга оширилади. Стипендиантларнинг таркиби ўкув йили натижаларига кўра, номзоднинг ўкув фанларини ўзлаштириши, илмий-тадқиқот ишларида иштироки ва ижтимоий фаолияти ҳисобга олинган ҳолда ҳар бир ёзги сессиядан сўнг кўриб чиқилади.

4. Номдор стипендиялар Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти ҳамда Тошкент архитектура-қурилиш институтининг охирги икки имтихон сессиясида энг яхши натижаларни кўрсатган ва илмий-тадқиқот, илмий-техник ижод, олимпиадалар, танловларда, жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётган номзод-талабаларга берилади.

5. Номдор стипендияларга номзодларни танлаш олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан тузилган танлов ҳайъати томонидан амалга оширилади.

6. Номдор стипендияга тақдим этиш учун номзодлар бакалавр ва магистратура босқичларида қуйидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича таҳсил олаётган талабалар орасидан танланади: “Энергетика” (гидроэнергетика), “Гидротехника қурилиши” (сув хўжалигида), “Суғориш тизимларида гидротехника объектлари”, “Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш” (соҳалар бўйича), “Гидротехника қурилиши” (дарё иншоотлари ва гидроэлектростанциялар қурилиши), “Бино ва иншоотлар қурилиши”, “Дизайн” (бино ва иншоотлар, ландшафт дизайнни), “Конструкторлик иши” (металл, қурилиш материаллари, технологик жиҳозлар конструкциялари).

7. Номзодга стипендия тайинлаш учун олий таълим муассасаси Илмий кенгаши қарори, ариза берувчининг ютуқларини тасдиқловчи хужжатлар (имтиҳон (рейтинг) дафтарчаси, сертификатлар, ихтиrolар учун патентлар, инновация таклифлари, дипломлар, кўргазмалар ва танловларда иштирокини тасдиқловчи хужжатлар), университет (институт) ректори томонидан имзоланган тавсиянома Жамият бошқаруви раисига расмий равишида киритилади.

8. Олий таълим муассасаси Илмий кенгаши томонидан “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси номига киритилган хужжатлар Жамиятнинг маҳсус Комиссияси йиғилишида кўриб чиқилади, шундан сўнг маълум бир талабгорга стипендия тайинлаш тўғрисида карор қабул килинади. Стипендияларни бериш Комиссия қарорига асосан Жамият бошқаруви раисининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

9. Номдор стипендияни тайинлаш олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан амалга оширилади.

10. Стипендияни тўлаш “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамиятининг маблағлари ҳисобидан олий таълим муассасаси ҳисоб ракамига пул кўчириш орқали амалга оширилади.

11. Ҳар бир таълим муассасасига 5 та стипендия ажратилади:

магистратура босқичининг биринчи ва иккинчи курс талабалари учун, бакалавриат босқичининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи курс талабалари учун.

12. Ҳар йилги стипендия белгилашда, Низомнинг 8-бандида белгиланган маҳсус Комиссия қабул қилган кундаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам микдоридан фойдаланилади. Бунда, стипендиялар иккинчи курс талабаларига ойига-1,0; учинчи курс талабаларига-1,3; тўртинчи курс талабаларига-1,6 баравар микдорида тўланади. Магистратура босқичида таълим олаётган талабаларга энг кам ойлик иш ҳақининг-1,9 баравари микдорида номдор стипендия берилади ва ўкув йили давомида ўзгаришсиз қолади.

13. Номдор стипендиялар ўз эгаларининг қонун хужжатларида белгиланган ёки алоҳида юридик шахслар ва фуқаролар томонидан тасдиқланган бошқа стипендиялар олиш ҳуқуқини бекор қилмайди.

14. Стипендия тўловларини тугатиш қўйидаги ҳолларда муддатидан олдин амалга оширилади:

талаба таълим олишни тугатиши, кундузги таълим шаклидан бошқа (кечки, сиртқи, масофавий) таълим шаклига ўтиши;

стипендия бериладиган асослар йўқотилиши;

“Ўзбекгидроэнерго” АЖ номдор стипендияси соҳиби унвонига мос келмайдиган маъмурий ва жиноий ҳукуқбузарликлар ҳамда бошқа харакатларни содир этиш, университет, институт ички тартиб-қоидаларининг талаба томонидан қўйпол равища бузилиши;

15. Номдор стипендияларни олиш ҳуқуқини йўқотган талабалар ўрнига янги талабгор номзодларни кўрсатиш ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Мазкур Низом “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва Тошкент давлат техника университети ўртасида 2017 йил 27 ноябрда тузилган 01/11-2017-сонли, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти ўртасида 2018 йил 28 августда тузилган 08/1-2018-сонли, шунингдек “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ва Тошкент архитектура-қурилиш институти ўртасида 2018 йил 1 марта тузилган 01/03-2018-сонли ҳамкорлик шартномаларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

17. Мазкур Низом “Ўзбекгидроэнерго” АЖ Ягона акциядори қарори билан, ҳамкорлик шартномалари иштирокчилари - томонларнинг келишувига қўра бекор қилиниши ҳамда томонлар келишувига мувофиқ Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.